

Туркистон мухторияти... Темур хоконининг чин болалари ёнинда, туркистоннинг тубчак турклари орасинда, мундан ўгурли[1], мундан мукаддас, мундан суюнчли бир сўзни борлигига ишонмайман.

Туркистон туркининг конини кайнатгучи, имонини юксалтгучи бир кувват бор эса, ёлгуз шу сўзда бордир: Туркистон мухторияти.

Элли(к) йилдан бери эзилдик, тахкир этилдик, кўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, огзимиз копланди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурулди, номусимиз гасб кияинди, ҳукукимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди, тўзимли турдик, сабр этдик.

Кучга таянган хар буйругга бўйинсундик, бутун борлигимизни кўлдан бердик. Ёлгиз бир фикрни бермадик, яшрун турдик, эмгакларимизга ўраб сакладик: Туркистон мухторияти!

Махкама эшикларидан йиглаб кайтганда, ёруксиз турмаларда ётганда, йиртгучи жандармнинг тепгуси билан йиқилганда, юртларимиз ёндурулганда, диндошларимиз осилганда онгимиз йўқолди, миямиз бузилди, кўзимиз ёгдусиз колди, бирор нарсани кўролмадик. Шул чоғда, тушкун рухимизни кўтармак учун шул коп-коронгу дунёнинг узок бир еринда ойдин бир юлдуз ялқиллаб тура(р) эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўрар эди. Ул нима эди? Туркистон мухторияти!

Биз аник била(р) эдикким, золим Николай ҳукумати канча яшарса яшасун, адолат ошики бўлган... рус демократияси, ҳақга таянган бир инқилоб, хар миллатнинг ўз ҳақларини кайтарур.

Инқилоб бўлди. Русиянинг «кўшма халқ жумҳурияти» усули билан[2] идора этилури жарланди. Шул эълон узра ясалган Украина, татар ва бошқа миллатлар мухториятлари тасдиқ этилди. Кўнук[3] Туркистонники эди. Туркистоннинг тарихий хонбаликлариндан иккинчиси бўлган Хўканд шаҳринда тўпланган Туркистон курултойи 27 нўябрнинг «миллий лайлатуркадримиз бўлган» ярим кечасинда Туркистон мухториятини эълон килди.

Лекин шуниси борким, бир миллатнинг мухторияти ёлгуз бир съезднинг эълони билан тамом бўлмас. Мухториятни олмок ва сакламок керакдир. Съезд ўз ишини килди. Колганлари бутун миллатнинг вазифасидир. Мухториятни сакламок учун куч лозим. Мухториятни бажармок учун акча керакдир. Буларни миллат хозир килсун.

(«Хуррият», 1917 йил, 5 декабр).

Макола «Фан ва турмуш»нинг 1990 йил, 10-сонида (30—31-бетлар) қайта нашр қилинган нашрга тайёрловчи Ш. Турдиев).

[1] ўгурли — хайбатли, буюк.

[2] «кўшма халк жумхурияти» усули — Русиянинг федерация асосидаги бошқарилуви назарда тутилади. Дастлаб, бошқа республикалар иттифокдош жумхуриятлар бўлиб эмас, балки Русия ҳудудидаги мухтор (автоном) жумхуриятлар бўлиб бирлашганлар.

[3] кўнук — навбат, гал.